# Тошкент ҳақиқати

№ 165 (10.414).

1992 йил
1 декабрь
сешанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

**Вилоят ижтимоий—сиёсий газетаси**

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


# ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТ БЕРМОҚДАЛАР

***Вилоятимизнинг барча шаҳар ва районларида халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда***

## МАСЪУЛИЯТ ҲИС ЭТИЛГАН ЖОЙДА

Халқ ноиблари ЎРТАЧИРЧИҚ район Кенгашининг сессиясида ҳоким **Мирзамурод Икромов** ҳисоботи тингланди. Унда қишлоқ кенгашлари, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Шуни айтиш керакки, нотиқ ўз маърузасида ҳокимликнинг ўн ой мобайнидаги фаолиятини атрофлича ёритиб бераолди. Албатта, бу кичик материалга унда айтиб ўтилган барча фикрларни жо этиш қийин. Аммо, нотиқ нутқи мобайнида қайд қилган мана бу жумлалар эътиборимизни жалб этганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз: «Кўпчиликни янгилик сари етаклаш учун етакловчининг ўзи тезроқ янгиланиши керак... Билимини чуқурлаштириш, дунёда кечаётган иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ахлоқий тажрибаларни ўрганиш, энг зарурларини саралай олиш, бағри кенглик билан яшашга интилиш, одамларнинг қобилиятларини, ниманарга қодирлигини тезлик билан аниқлай олиш, илғор ғояларга дадил йўл очиш керак бўлади».

Буларни қайд этишимиз бежиз эмас. Зероки, районда ҳокимлик ўз олдига қўйган мана шу талабларга қатъий риоя қилиб ишлади. Биринчи навбатда фаолиятида ҳозирги бозор иқтисодининг мураккаб шароитида аҳоли турмушини мушкуллиқдан ҳоли этиш йўлларини излаб топишга ва амалга оширишга қаратди. Бунинг учун ўртачирчиқда меҳнаткашларнинг эҳтиёжи бўйича кичик корхоналарга кенг йўл очилди. Ана шу ташаббусни бошлаб берган Ким Пен Хва, Акмал Икромов, «Северний маяк» хўжаликларига бошқалар ҳам эргашдилар. Ҳозирги пайтда районда 74 та кичик корхона, 46 та ширкат ишлаб турибди. Улар ёғ, колбаса, консерва, шарбат, сир, ун, совун, кийимкечак, хом ғиштт, шлакоблок, чинни буюмлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб аҳоли турмушини енгиллаштирмоқдалар. Мавжуд корхоналар йил бошидан буён 77 миллион сўмлик ҳажмда турли ишларни бажаришди. Бу ерда Туркия билан биргаликда Тўйтепа қўшма корхонаси ҳам фойдаланишга топширилиш арафасида. Бир кеча кундузда икки ярим минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқаришни режалаштирган бу корхона ишчи ўринларини кўпайтиришга катта ҳисса қўшди.

Ўртачирчиқликлар Хитой, Италия, Исроил билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиб олдилар. Районнинг Акмал Икромов колхозида эса голландияликлар билан бирга экилган картошка юқори ҳосил берди.

Сўнгги йиллар мобайнида Ўртачирчиқда фермер хўжаликлари ҳаракати кенгайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда районда 28 та фермер хўжалиги 181 гектар майдонда деҳқончилик қилаётир.

Ҳокимлик булардан ташқари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа шаклларидан ҳам унумли фойдаланмоқда. Ҳайрия тадбирлари, ногиронлар, боқувчисиз оилаларни қўллаш кабилар шулар жумласидандир. Албатта, эгни бут, қорни тўқ, ўзига ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини ҳис этган киши куни билан меҳнат қилади. Район аҳлининг эрта баҳорда 15 минг 355 гектар майдондаги ғўзани мушкул аҳволдан қутқариши, парваришлаши ва кузда ҳосилнинг сўнгги мисқолигача териб олишдаги саъи-ҳаракатларини ана шу ғамхўрликка жавоб тимсоли дейиш мумкин. Бу борада Ким Пен-Хва, Акмал Икромов, «Гулистон», «Қайтмас», «Ҳақиқат», «Ўртасарой», ТИИИМСХ, «Северний маяк», «Ўзбекистон» колхозлари пахтакорлари жонбозлик кўрсатдилар.

Районда тошкентлик талабалар, чирчиқлик, янгиободлик ҳашарчилар, сўнгги кунларда эса Оҳангарон, Қибрай районлари, Олмалиқ шаҳри меҳнаткашлари пахтакорлар билан ёнма-ён бўлдилар.

Ҳисоботда районда халқ таълими, аҳолига медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари иши ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Район хўжаликларида бир нечта мактаблар қад кўтарди. Қатор чойхоналар, дўконлар очилди. Тиббий муассасалар фойдаланишга топширилди.

Айтилган самараларга районда кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш туфайли эришилди. Айни пайтда ҳокимлик фаолияти камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Хусусан, районда фермер хўжаликлар аҳолига етарлича наф бермаётган ҳоллар мавжуд. Бир қатор колхозларда газлаштириш, аҳолини сув билан таъминлаш тўлиқ амалга оширилган ҳолда, айрим хўжаликларда бу ишга панжа орасидан қаралмоқда. Бир қатор қишлоқларда аҳоли истиқомат қиладиган жойлар қиёфасига эътибор суст. Район аҳлига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан талабчанликни янада ошириш керак. Райондаги «Янги турмуш», «Роватак» колхозларида кичик корхоналар очишга етарлича эътибор берилмаяпти. Бу масалалар ҳисоботда кенгроқ таҳлил этилиши ва ана шу соҳага масъул кишиларга нисбатан танқид кучайтирилиши керак эди.

Сессияда маъруза юзасидан сўзга чиққан «Гулистон» жамоа хўжалиги раиси **Қ. Деҳқонов**, «ТИИИМСХ» ўқув хўжалиги директори **З. Пўлатов**, район худудида жойлашган Тошкент вилояти юрак хасталиклари диспансери бош шифокори **Д. Жўлдибоева**, район агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси **М. Отақулов**, «Янги ҳаёт» қўрғони кенгаши раиси **Р. Тожиев**, Тўйтепа шаҳар кенгаши раиси **М. Долимов** ўртоқлар ўтган вақт мобайнида ҳокимлик амалга оширган ишлар ҳақида батафсил гапирдилар, бир қатор таклифларни баён этдилар. Сессияда ҳокимнинг ҳисоботи қониқарли деб топилди.

Сессияда вилоят ҳокими **С. Д. Сайдалиев** нутқ сўзлади.

Сессияда Ўзбекистон республикаси сув хўжалиги ва мелиорация вазирининг биринчи муовини **А. А. Жалилов** қатнашди.

**С. ҲАСАНОВ,**
**Н. ЯКОВЕНКО.**

## КАМЧИЛИКЛАРДАН ҲОЛИ ЭМАС

ЎТГАН шанба куни халқ депутатлари Янгийўл район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Район депутатлари олдида район ҳокими **А. Юсупов** ҳокимликнинг 1992 йилда бажарган ишлари ҳамда 1993 йилдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Район иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринни эгаллайди. Шу боисдан ҳам ҳоким ҳисоботни ана шу тармоқдаги аҳвол, ишдаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил этишдан бошлади.

— Жорий йилимиз анча мураккаб бўлганлиги барчангизга аён,— деди маърузачи.— Чигит экиш 8—10 кун ўрнига табиат инжиқликлари туфайли 30—33 кунга чўзилиб кетди. 2100 гектар майдондаги чигитни қайта экишга, айрим далаларга 2—3 мартадан қайта чигит экишга тўғри келди. Натижада ғўзанинг ривожи одатдагидан 25—30 кун ортда қолди.

Албатта, ҳоким бу гапларни районда пахта йиғимтерими суст кетаётганлигини оқлаш учун айтгани йўқ. Балки, давлатга пахта сотиш йиллик режасини муваффақиятли бажарган М. Мирзабобоев номли, «Тинчлик» жамоа хўжаликлари, Ўзбекистон машина синаш станциясининг азамат пахтакорлари каби илғор тажриба ва фан ютуқлари асосида астойдил меҳнат қилинса, қийин об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан мўлжалдаги ҳосилни етиштириш мумкинлиги учун ҳам таъкидлади.

Район ҳокимлиги ғўза парвариши даврида уста пахтакорлар, меҳнат фахрийлари ва мутахассислардан иборат гуруҳ тузиб, бу гуруҳ аъзолари мўл ҳосил етиштириш бўйича тавсия ва маслаҳатлар бериб бордилар. Аммо, «Озод», Н. Ниёзов номли, А. Ортиқов номли, Х. Турсунқулов номли, «Ниёзбош» жамоа хўжаликларининг раҳбарлари, мутахассислари бу тавсияларга амал қилмаганликлари, камчиликларни ўз вақтида тугатиш чораларини кўрмаганликлари учун ҳам бу хўжаликларда пахта тайёрлаш режаси бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолди. Бу районнинг пахта тайёрлашда вилоятда охирги ўринга тушиб қолишига олиб келди.

Маърузачи қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, район лубкорлари яхши меҳнат қилдилар. Давлатга 6070 тонна каноп пояси етказиб берилиб, режа 101 фоиз қилиб бажарилди. Шолидан режадаги 1771 тонна ўрнига 1830 тонна ҳосил олиш мўлжалланмоқда. «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги ва «Янгимихайловка» давлат хўжалиги бу борадаги режаларини ошириб бажардилар.

Район давлатга сабзавот маҳсулотларини сотиш режасини бажариш олдида турибди. Бу йил 42 тонна сабзавот маҳсулотлари сотилди. Бу соҳадаги режалар «Тинчлик», жамоа хўжалигида 110 фоиз, «Ниёзбош» жамоа хўжалигида 100 фоиз бажарилди. Ҳоким чорвачилик соҳасидаги муаммолар ҳақида ҳам тўхталди. Маърузада район саноат корхоналари ҳам юз берган иқтисодий қийинчиликларни енгиш борасида қилинаётган ишлар хусусида ҳам сўз борди. Хусусан, консерва ва коньяк-мусаллас заводлари маҳсулот хилларини ва ҳажмини кўпайтирмоқдалар, иш жойларини сақлаб қолиш билан бирга ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини мунтазам ошириб бормоқдалар, меҳнат жамоаларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча воситаларидан фойдаланмоқдалар.

Халқободдаги музхонада қанд лавлаги сақлаш йўлга қўйилди. Бу лавлаги қайта ишланиб, қанд-шакар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ниёзбош жамоа хўжалигида томат цехи бунёд этилди. А. Ортиқов номли жамоа хўжалигида «Аскан» фирмаси барпо этилди. Бу ерда трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилади Районда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш бўйича ҳам бир талай ишлар амалга оширилди. Ҳозир 43 та ширкат ва 78 та кичик корхоналар ишлаб турибди. Юрея Республикаси билан ҳамкорликда «Узкор» қўшма корхонаси ташкил этилди. Келгусида районда Туркия, Хитой ва Италия билан биргаликда қўшма корхоналар очиш мўлжалланмоқда. Шундан сўнг нотиқ капитал қурилиш, савдо, маиший хизмат, тиббий хизмат, маориф соҳалари бўйича ҳам батафсил тўхталди.

— Ҳокимлик тизими жорий этилгандан буён ўтган салкам бир йилда бу тизим ниманарга қодирлигини ҳаёт ўз синовидан ўтказди, —деди маърузачи ўз нутқи якунида,— одамлар янги маҳкамаларга ўз ғам-ташвишлари, талаб, эҳтиёжлари юзасидан катта умид билан мурожаат қиладиган бўлдилар. Шу йилнинг февраль ойидан буён ҳокимликка 925 та, шу жумладан фуқаролардан 658 та хат ва ариза, 62 та шикоят тушди. Уларнинг 90 фоиз ҳокимлик ходимлари томонидан кўриб чиқилди. Ҳоким томонидан 408 та қарор қабул қилинди.

Музокарада сўзга чиққан район соғлиқни сақлаш бўлими мудири **Н. Раҳимов**, «Спецсельхозмонтаж» қўчма механизациялашган колонна бошлиғи **Б. Калько**, «Навбаҳор» қишлоқ Кенгаши раиси **Н. Аширалиев**, район ижтимоий таъминот бўлими мудири **Ш. Норматов**, район ички ишлар бўлими бошлиғи **А. Акромов**, САИМЭ директори **А. Ҳожиев**лар қилинган ишлар, эришилган ютуқлар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар хусусида сўзладилар ва район ҳокимининг ўтган даврдаги фаолиятини қониқарли деб топишни таклиф этдилар.

Сессия ишида Ўзбекистон Олий Кенгаши котибиятининг бошлиғи **О. Олимжонов** ва вилоят ҳокимининг биринчи муовини **А. Ибобеков** иштирок этдилар.

**З. ЖЎРАЕВА,**
**В. БОРИСОВ.**

## ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИШ ҲАМ САНЪАТ

БЕКОБОД тумани депутатлари ўз кенгашларининг навбатдаги сессиясига ўзига хос бир вазиятда тўпландилар. Гап шундаки, туман пахта тайёрлаш йиллик режасини бажариш арафасида турибди. Ғалаба хабарномасига имзо чекиш учун бор-йўғи икки фоиз пахта етишмаяпти. Мўлжалланган маррани эгаллаш учун районнинг қаттадан кичиги бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқда, қийинчиликларни енгиш учун бутун матонатларини сафарбар этмоқда.

— Чиндан ҳам бу йил пахтакорлар учун қийин келди,— деди сессияда ҳисобот маърузаси қилган **М. Расулов**, — лекин, бизнинг деҳқонларимиз ҳамиша қийинчиликларни енгиб ўрганганлар. Баҳорда анчагина майдонлардаги чигитларни қайта экиш бу йилги пахта мавсумини анча орқага суриб юборди. Ойбек номли, «Бекобод» давлат хўжаликларида, айниқса, мушкул вазиятлар вужудга келди. Далада ишлаётган сувчи ҳам, механизатор ҳам, бригадир ҳам, хўжалик раҳбарлари ҳам тиним билмадилар. Қисқа муддатларда кўзланган ҳосилни етиштириш учун барча чора-тадбирлар ишга солинди. Терим мавсуми бироз кеч бошланган бўлса ҳам кишилар иродаси устун келди. Ҳозиргача йиллик пахта тайёрлаш режаларини барвақт ado этган «Деҳқонобод», «Фарҳод», «Далварзин», «Бекобод», «Навбаҳор», Ойбек номли, Улуғбек номли ҳамда Навоий номли хўжаликлар умумий хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар. «Ғалаба», «Авангард», Бобур номли хўжаликлар меҳнаткашлари ҳам баҳорда берган сўзларининг устидан чиқиш учун пахтазорларда астойдил тер тўкмоқдалар.

...Ҳоким ўз маърузасида Бекобод туманининг жуғрофий ҳолатларидан келиб чиқадиган хусусиятларга тўлиқ тўхталиб, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш борасида ҳам алоҳида сўз юритди. Бекободликлар бу йил давлатга 4,5 минг тонна ғалла, 10,5 минг тонна шоли, 740 тонна мева, 227,4 тонна пилла сотдилар. Бироқ, чорвачилик соҳасидаги муваффақиятлар билан мақтаниб бўлмайди. Давлатга гўшт, тухум, сут маҳсулотлари сотишда хатоликларга йўл қўйилди. Чорвачилик учун омхашак жамғариш ҳам кўнгилдагидек бўлмади. 29 минг тонна ўрнига бор-йўғи 26 минг тонна дағал хашак жамғарилди. 33 минг тонна силос бостириш режалаштирилган бўлса, бу кўрсаткич атиги 20 минг тоннани ташкил этди.

Сотиладиган маҳсулотларни пулга чақадиган бўлсак, туман катта ютуқларга эришгандай бўлиб туюлади. Қишлоқ хўжалигидан 2 миллиард сўм миқдорида даромад олиш мўлжалланган эди. Ҳозиргача 160 миллион сўмлик ғалла, 85 миллион сўмлик сабзавот ва полиз маҳсулотлари сотилди. Чорвачилик соҳаси 160 миллион сўм даромад келтириши мумкин. Пахтакорларнинг ҳиссаси эса 1 миллиард 480 миллион сўм бўлади, деб кутилмоқда.

Район саноатида ҳам бир мунча ютуқлар кўзга ташланади. Пил давомида маҳсулот сифатига эътибор бериш ва муқим иш мароминни таъминлаб туриш район ҳокимлигининг асосий вазифаси бўлди. Тумандаги пахта тозалаш заводлари, шунингдек, таъмирлаш, сут, нон ҳамда консерва заводлари 1992 йил режасини ошириб бажарадилар, деган фикр сессияда сўзга чиққан нотиқлар нутқларида асосий ўринни эгалларди.

— Одамлардан биз фақат иш талаб қилмаслигимиз керак,— деди ҳоким ўз сўзини давом эттириб,— унумли ишлашлари учун уларга қулай шарт-шароитлар ҳам яратиб беришимиз лозим. Уларнинг уйларидаги, меҳнат жойларидаги турмушларидан ҳар кун, ҳар ойда бохабар бўлиб турсаккина муваффақиятларимиз янада кўпаяди...

Шундан кейин М. Расулов меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида тўхталди. Одамларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга алоҳида эътибор берилди. Кундалик рўзғор буюмларида деярли узилиш бўлмади. Айниқса, халқ таълими соҳасида ўзгача иш юритишга тўғри келди. Жумладан, ҳозир тумандаги 46 та мактабда 185 та куни узайтирилган гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. 5246 нафар ўқувчи пулсиз таъминланишдан бахраманд бўлмоқда.

Бекобод тумани вилоятимиздаги кўп миллатли минтақалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам миллий масалага бу ерда алоҳида эътибор берилаётир. Ўзбек, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, корейс ҳамда бошқа миллат вакиллари ўртасида иноқлик, дўстлик, биродарлик туйғуларини қарор топтириш учун ҳокимлик алоҳида йўналиш бўйича иш олиб борди. Республикамиз президенти И. А. Каримовнинг миллатлар ўртасида тотувликни вужудга келтириш ва жумҳуриятимизда тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлаш соҳасидаги сиёсати бекободликлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Сессияда ҳоким маърузаси қизғин муҳокама қилинди. Сўзга чиққан Жумабозор қишлоқ кенгашининг раиси **С. Санджалолов**, Ойбек номли давлат хўжалиги директори **Н. Эсонов**, Зафаркўрғон қишлоқ кенгашининг раиси **М. Мирзаҳмедов** ва бошқа ўртоқлар жорий йилда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни кескин танқид қилдилар. Шу билан биргаликда улар туманда 1992 йилда анча-мунча яхши ишлар қилинганлигини таъкидлаб, ҳоким фаолиятини қониқарли деб топиш тўғрисида таклиф киритдилар. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи муовини **Л. П. Тернових** иштирок этди.

**О. СТРЕЛЬНИКОВ,**
**Р. УМАРОВ.**

**(Ҳисоботлар давомини 3-бетда ўқийсиз).**

### УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН АФҒОНИСТОН ИСЛОМ ДАВЛАТИ ФУҚАРОЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси республикамиз ўқув юртларида таълим олаётган Афғонистон Ислом давлати фуқаролари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда икки давлат раҳбарларининг расмий учрашув якунларига амал қилган ҳолда таълим соҳасида давлатлараро дўстона муносабатларни қарор топтириш, хусусан, Афғонистон Ислом давлатига миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланган.

Афғонистон Ислом давлатининг Ўзбекистон ўқув юртларида шартномасиз таълим олаётган ўқувчиларини 1992—1993 ўқув йили охирига қадар, етим ўқувчиларни эса муайян касбни эгаллашига қадар текин ўқитишга рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирликлари тегишли ўқув юртларида Афғонистон Ислом давлатидан келган ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш чораларини кўришлари керак.

Ҳунар-техника билим юртида ва интернат-мактабда таълим олаётган афғонистонлик етим болаларнинг ўқиши ва яшаши учун сарфланадиган ҳаражатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган етим болалар учун белгиланган миқдорга тенглаштирилади.

## УСТИВОР СОҲАЛАРГА ЭЪТИБОР

**Ўзбекистон Республикаси Президентя ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида чет эл сармоясини жумҳуриятимиз иқтисодиётига жалб этиш инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда республика вазирликлари, идоралари, концерн ва уюшмаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.**

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. Мақсадимиз келгусида халқнинг турмуш даражасини ошириш экан, деди у, иқтисодий сиёсатни олиб боришда қайси тармоқларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини яхши билиб олишимиз зарур. Табиийки ҳамма тармоқларнинг бир йўла баб-баравар ривожланиши қийин. Бугунги вазият иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлат таъсирини сақлаб қолишни тақозо этади. Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш айниқса катта аҳамиятга эга. «Шок терапияси» бизга тўғри келмайди. У жиловни буткул қўйиб юбориш йўли билан қисқа муддатда бозор иқтисодиётига ўтиб олиш мумкинлигини кўзда тутади. Ваҳолонки, Буюк Британия, АҚШ сингари бозор иқтисодиёти тўла шаклланган давлатлар ҳам бунга узоқ муддатда эришган. Биз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тарафдоримиз.

Президент келаси йил режалари ҳақида гапирар экан, бюджет маблағлари ва чет эл сармоясининг асосий қисмини истиқболли соҳаларга сарфлаш зарурлигига эътиборни қаратди. Дастлаб фойдали соҳаларни ривожлантириш даркор. Баъзи бировлар ҳали ҳам эскича қолипдаги фикрлашдан нари ўтолмаяптилар. Давлат ҳимоясига умид қилиб, мустақил равишда бирон ишга қўл уролмаётган раҳбарлар йўқ эмас. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон Марказнинг йирик хом ашё манбаига айлантириб қўйилган эди, эндиликда бундай йўналишда ривожланиш мумкин эмас. Ўзбекистон Президенти алоҳида таъкидлаб айтдики, маҳсулотларимиз жаҳон бозорига чиқмас экан, чет эл буюмлари билан рақобат қила олмас экан, ишимиз олға силжимайди. Маълумки, бизда ер ости бойликлари, жумладан, қимматбаҳо ва рангли металлар, табиий газ, нефть ва бошқа қазилмалар оз эмас. Аммо Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоғи—қишлоқ хўжалиги бўлиб қолаверади. Биз келгусида ҳам айни шу тармоққа алоҳида эътибор берамиз. Бунда енгил саноатнинг асос тармоқларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Четга чиқариладиган буюмлар рўйхати тез фурсатда тузиб олиниши лозим. Ана шу йўллар билангина мақсадимизга эриша оламиз.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов, республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, республика Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов ва Бош вазир ўринбосарлари қатнашдилар. **(ЎзА).**

## КОНСЕРВА ЦЕХИ ИШГА ТУШДИ

БЕКОБОД шаҳрида умумий овқатланиш ҳиссадорлик жамиятига қарашли консерва цехи фойдаланишга топширилди. Унда ҳар куни етти турда беш минг банка маҳсулот тайёрланади. Цех бўш ётган ерда ҳашар йўли билан қурилди. Энди аҳоли дастурхонига қишда сабзавот консерваси ва мева шарбатлари етказиб бериладиган бўлди.

(ЎзА)

*ЛОЙИҲА*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТЛАРИ


**Бугун эълон қилинаётган Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг бу уч варианти халқ депутатлари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборига тақдим этилмоқда. Олий Кенгаш сессияси арафасида депутатлар ва жамоатчилик томонидан билдириладиган таклифлар, Олий Кенгашда бўлажак фикр-мулоҳазалар мустақил Ўзбекистонимизга муносиб Давлат мадҳиясини яратиш ишига ёрдам бериши шубҳасиздир. Келтирилган вариантларга нисбатан муносабатингизни ёки ёзма равишда Олий Кенгашнинг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитасига юборишингизни ёки 39-86-08, 39-87-22 телефонлари орқали билдиришингизни сўраймиз.**

**Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитаси ва Ўзбекистон Давлат мадҳиясини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳи.**

## 1

Бахтиёр АЛИЕВ мусиқаси

Абдулла ОРИПОВ сўзи




Минг йиллар қаъридан келар карвонинг,
Ҳақ йўлга бошлайди одил иймонинг.
Жаҳонда ягона Ўзбекистонсан,
Маърифат, истеъдод бўлғай сарбонинг.

Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,
Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин.
Дўстга дўст, бағри кенг яшнаган диёр,
Сенга ҳам то абад тангри бўлсин ёр!


Ватанга посбондир фарзандлар ҳушёр,
Истиқлол сен учун мангу барқарор.
Инон ўз кучингга, Ўзбекистоним,
Қудратли аждодлар руҳи сенга ёр!

Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,
Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин.
Дўстга дўст, бағри кенг яшнаган диёр,
Сенга ҳам то абад тангри бўлсин ёр!

## 2

Рустам АБДУЛЛАЕВ мусиқаси


Мирпўлат МИРЗО сўзи





## 3

Мутал БУРҲОНОВ мусиқаси

Абдулла ОРИПОВ сўзи




Уйғонар чўққилар устида офтоб,
Ям-яшил водийга сочиб олтин нур.
Ўзбеклар юрти бу — навқирон, озод,
Заминда музаффар ўлкасан, мағрур!

НАҚОРАТ:

Қўлларни қўлларга
Озод Ватан учун берайлик!
Эллардан элларга
Ҳур диёр шуҳратин тарайлик!

Сўнмас руҳимизда матонат асло,
Туркистон наслимиз, меросдир бардош.
Азалдан қалбларда ўчмаган зиё,
Барҳаёт сиймолар сенга бўлди бош.

НАҚОРАТ:

Бизни тангри қўллар, дунёлар чорлар,
Тарк этмас истиқлол энди умрбод.
Қалбларда ҳаётга муҳаббат порлар,
Муқаддас тупроқни этурмиз обод.

НАҚОРАТ:

# ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТ БЕРМОҚДАЛАР

***Вилоятимизнинг барча шаҳар ва районларида халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда***

## БАРЧА ИШ ҲАМКОРЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш шароитида район саноати ва қишлоқ хўжалигида аҳвол қандай бўлди? Чиноз район ҳокими **Усмонали Умаров** халқ депутатлари район Кенгашининг сессиясидаги ҳисобот маърузасида ана шу борада батафсил тўхталиб ўтди, амалга оширилган ишларни таҳлил қилди, йўл қўйилган камчиликларни очиқ-ойдин айтиб ўтди. Шунингдек, ҳоким маърузасида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга холис баҳо берилди, республика Конституцияси лойиҳаси муҳокамаси қандай бораётганлиги билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди, шахсан Президент И. А. Каримов ва Президент маҳкамаси томонидан Ўзбекистондаги вазиятни барқарорлаштириш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти — тинчлик-хотиржамлик, фуқаролар тотувлигига боғлиқдир,— деди ҳоким.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қийинчиликларнинг бўлиши табиийдир, бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Ҳомашё етказиб бериш тартиби бузилган, деярли барча корхоналарда иқтисодий танглик вужудга келган бугунги кунда чинозлик саноатчилар бутун куч-ғайратларини ана шу тангликдан чиқишга сафарбар этмоқдалар. Ўтган ўн ой мобайнида 527,5 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Олмазор автомобиль ремонти заводи бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга дадил қўл урмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган газ печкалари ва тележкаларига ҳатто республика ташқарисида ҳам талаб катта.

Район асосан пахтачиликка ихтисослашган. Маълумки, баҳорги об-ҳаво ноқулайликлари ҳосил етилишини 15—20 кунга кечиктириб юборди. Бироқ, чинозликлар баҳона эмас, имконият қидирдилар — деярли барча хўжаликларда мўл ҳосил етиштирилди. Охунбобоев номли, Навоий номли, К. Маркс номли, «Ўзбекистон», «Эшонобод», Амир Темур жамоа хўжаликларида пахта тайёрлаш режалари муддатидан олдин бажарилди.

Ҳоким район чорвачилигида кейинги пайтда бир қатор қийинчиликлар вужудга келганлигини ва бу қийинчиликлар ҳамкорликда ҳал этилаётганлигини айтиб ўтди. Маърузада иқтисодий ислоҳотлар, хусусийлаштириш қандай бораётганлигига алоҳида эътибор берилди. Бугунги кунда районда хусусийлаштиришнинг турли формалари шаклланмоқда, 7 кооператив, 58 кичик ва қўшма корхона давлат корхоналари билан тенг қаторда фаолият кўрсатмоқда.

Район ҳокимияти кейинги пайтда ободонлаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Автомобиль йўллари район бошқармаси ҳузурида асфальт-бетон заводи ишга туширилди. Бу корхона туфайли йўлларни ремонт қилиш ва янги йўллар қуриш имконияти туғилди. Ана шу мақсадларга 8 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Ўзбекистон Президенти Фармонига мувофиқ аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан тамъинлаш ишлари жадал олиб борилмоқда: Охунбобоев номли, К. Маркс номли ва «Қизил Октябрь» жамоа хўжаликларида 16 километр масофага газ ўтказилди, 1400 хонадонга «зангори олов» келди. Шу йилнинг охиригача районнинг 70 фоиз аҳолиси табиий газ билан тамъинланади. Чинозда шу пайтгача ҳеч ким эътибор бермаган ҳайрли ишга қўл урилди — ариқ тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш бошлаб юборилди, ҳашар йўли билан ташландиқ ҳолга келиб қолган «Хўжа ариқ» канали тозаланмоқда.

Район ҳокими аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, савдо, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга, халқ маорифи ҳамда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш масалаларига тўхталди.

Ҳокимнинг ҳисобот маърузаси қизғин муҳокама қилинди. Унда «Эшонобод» жамоа хўжалиги раиси **Е. Ерхўжаев**, К. Маркс номли жамоа хўжалиги бош агрономи **Ҳ. Вергасов**, «Пахтакабель» ижара корхонаси директори **И. Дадамуҳамедов**, «Туркистон» қишлоқ Кенгаши раиси **А. Қаршибоев**, район молия бўлими мудири **Ж. Абдуназаров** ва бошқалар қатнашдилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг масъул ходими **И. П. Шодмонқулов** иштирок этди ва сўзга чиқди.

Шунингдек, сессияда вилоят давлат назорати бошқармаси раиси вазифасини бажарувчи **Б. Жуманиёзов** қатнашди.

**О. ВЛАДИМИРОВА, Э. ҚОСИМОВ.**

## БОШҚАРУВ ИШОНЧЛИ БЎЛСА...

—БОШҚАРУВ янги усулининг жорий этилиши барча соҳаларда зудлик билан қарорлар қабул қилиш ва унинг бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди, — деди халқ депутатлари Оққўрғон район Кенгашининг сессиясида район ҳокими **Нодир Бердиқулов**. — Бугунги кунда МДҲнинг кўпгина ҳудудларида сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги, албатта, ҳокимият бошқаруви органларининг яхши йўлга қўйилмаганлигидадир. Ана шундай пайтда республикамизда ҳокимлик лавозимининг жорий этилиши нафақат ўзини оқлади, балки барқарорликни таъминлашда муҳим қадамлар ҳам ташлади. Бу аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидаги ютуқларда ўз аксини топди.

Дарҳақиқат, биргина қишлоқ хўжалигидаги район меҳнаткашларининг эришган ютуқларини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки оққўрғонликлар жорий йилда ҳам об-ҳаво шароитининг ниҳоятда оғир келганлигига қарамай, давлатга пахта топшириш режаларини қисқа муддатларда бажардилар. Ҳар бир гектардан 28 центнердан қимматбаҳо хом ашё териб олинди. Ҳоким бу соҳадаги ютуқлар ҳақида сўз юритар экан, қишлоқ хўжалиги ходимларининг катта жасорат кўрсатиб меҳнат қилганликларини алоҳида таъкидлади.

Албатта, бундай муваффақиятнинг қўлга киритилишида район ҳокимлигининг хизматларини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Чунки ҳар бир ишнинг тўғри йўлга қўйилганлиги — рағбатлантириш, маданий ҳордиқ чиқариш, техникадан унумли фойдаланиш учун барча чора-тадбирларнинг ўз вақтида кўрилиши муваффақиятнинг гарови бўлди.

Бундан ташқари район ҳокимлиги аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ва қўшимча иш жойлари жорий этиш мақсадида хўжаликларда бир қанча саноат корхоналари жорий этишни йўлга қўйди. Шу туфайли бугунги кунда районда 31 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда қарийб 300 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Оққўрғон пахта тозалаш заводида эса халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган ўзбек-хитой корхонаси ўз ишини бошлаш арафасида. Бу ерда 450 га яқин киши меҳнат қилади.

Халқ депутатлари олдида ҳисобот берар экан, район ҳокими бозор муносабатларининг таркиб топиши, аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ҳам қатъий қилиб қўяди, деди.

Ҳозирги пайтда иқтисодий муаммоларни бартараф этиш билан биргаликда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳам энг долзарб вазифалардан биридир. Ҳоким бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Шунингдек, маорифни яхшилаш, тиббиёт хизматини янада мукаммаллаштириш ҳам эртанги ютуқларнинг гарови эканлигини таъкидлади. Шу боис районда ўқув йилига жиддий тайёргарлик кўрилди. Мавжуд болалар муассасалари ва мактаблар ўз вақтида таъмирланди. Бу ишларни амалга оширишда қурилиш корхоналарининг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Шунингдек, кўпгина мактаблар, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Пахта йиғим-теримида иштирок этган ўқувчиларга берган катта ёрдамлари учун мукофот тариқасида компьютер ва телевизорлар ажратилди.

— Илгаридан бизда «Халқ соғлиғи — мамлакат бойлиги», деган бир шиор бор, — деди ҳоким. — Бу шиор амалда ўз аксини топиши керак. Аввало бунинг учун районда оммавий спорт ишларини янада жонлантириш вазифаси турибди.

Район ҳокими бу ҳақда сўз юритар экан, жорий йилда иккита жисмоний-соғломлаштириш комплекси қурилишига киришилганлигини таъкидлади. Улардан бири район марказида қурилаётган бўлса, иккинчиси Сегизбоев номли хўжаликда, бунёд этилади. Шунингдек, Оққўрғон давлат хўжалигида стадион ва ёзги соғломлаштириш бассейни бунёд этишга ҳаракат бошланди.

— Халқ фаровонлигини таъминлашдан ҳам муҳимроқ ва бош вазифа йўқ, — деди Н. Бердиқулов. — Шундай экан, буни амалга ошириш учун районимизда катта имкониятлар мавжуд. Фақатгина бир ёқадан бош чиқариб ишимизни янада авж олдиришимиз зарурдир.

Сессияда сўзга чиққанлар — Сегизбоев номли давлат хўжалиги директори **Ш. Каримов**, ХДП район кенгаши раиси **А. Қосимов**, район фахрийлар кенгаши раиси **И. Оққулов**, Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги раиси **А. Қўчқоров** лар район ҳокимлиги амалга оширган ишларни қониқарли деб топдилар ва уларнинг бундан кейинги ишларида ҳам муваффақиятлар тилашди.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокими муовини **Ҳ. Ҳамидов** қатнашди ва сўзга чиқди. У ўз маърузасида депутатларни ва район меҳнаткашларини қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритган ютуқлари билан самимий қутлади.

**С. ЕЖКОВ, Х. ШАФОАТОВ.**

## БАРҚАРОРЛИК БОР ЖОЙДА

БАРҚАРОРЛИК, қатъий тартиб ва интизом бор жойда ютуқларга эришилади. Бироқ, сир эмаски, собиқ Иттифоқ тугатилгач, хўжалик алоқалари узилди. Моддий техника таъминоти издан чиқди. Хўжаликлар, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи ёмонлашди. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, ҳокимият томонидан олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ишларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

— Лекин шунга қарамасдан, — деди халқ депутатлари Кенгаши сессиясида 1992 йилдаги ишлар ҳақида ҳисобот маърузаси қилган Қуйичирчиқ туманининг ҳокими **Р. И. Каримов**, — бутун диққат-эътиборни ҳар бир тармоқда, соҳада ижтимоий-сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга қаратган ҳолда иш олиб бордик.

Маълумки, туман иқтисодининг асосини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкил этади. Лекин, ҳеч кимга сир эмас, бу йил аҳвол анча жиддий бўлди. Техника, ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа қишлоқ хўжалигига керакли воситалар ғоятда қимматлашиб кетди. Бу ҳол, табиийки, қишлоқ хўжалиги ишларининг самарасига таъсир қилмасдан қолмади.

Маърузачи ҳам, музокарага сўзга чиққан нотиқлар ҳам масалага ана шу нуқтаи назардан муносабатда бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги аҳволни ҳар жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилдилар.

Йил якунланмоқда. Айрим хулосаларга келиш мумкин ва баъзи бир ютуқларни қайд этса бўлади. Туманда айрим халқ хўжалиги режалари баъзи бир кўрсаткичлар бўйича бажарилди. Жумладан, пилла, каноп пояси, дон топшириш режалари адо этилди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, сабзавот, картошка, қовун-тарвуз етиштириш ва топшириш режалари ҳам бажарилиши мумкин.

Бироқ, чорвачиликда жиддий аҳвол юз бериб турибди. Хўжаликларда наслчилик ишлари талабга жавоб бермайди.

Ачинарлиси шундаки, ўтган йили содир этилган камчиликларнинг бу йил ҳам такрорланишига йўл қўйилмоқда. Қишловга етарли ем-хашак жамғарилмади. Ўтган ўн ой мобайнида олдинги йилнинг шу вақтидагига қараганда моллар, паррандалар камайиб кетди. Анча сут, гўшт, тухум кам сотилди.

Асосий тармоқ пахтачиликдаги аҳвол қандай?

Бу йил 14 минг 712 гектар майдонда пахта етиштирилди. Аҳвол олдиндан маълум эди. Шунинг учун ҳам хўжаликлар дастлабки кунданоқ машина билан бирга қўл теримига ҳам эътиборни кучайтирдилар. Ҳар бир хўжалик бўйича йиғим-теримни ташкил этиш тадбирларининг ўз вақтида ва беками-кўст амалга оширилиши учун ҳаракат қилинди. Режа бўйича 40 минг 600 тонна пахта етказиб беришимиз керак. Лекин ҳозиргача 37 минг тоннага яқин пахта топширилди, холос. Бунинг пахтакорларга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабаблари ҳам бор.

Гап шундаки, айрим хўжаликларда ёнғинга рчиликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлганлиги учун бегона ўт кўпайиб кетди ва унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмади.

Лекин, бу ишнинг уддасидан чиқиш мумкин эди. Уддасидан чиққанлар эса йўқ эмас. Масалан, «Дўстлик», «Ужакен», «Жумагул», «Юлдуз», «Заря коммунизма» колхозлари пахта топшириш режаларини бажаришга муваффақ бўлдилар. Улар пахтакорлар учун берилган имтиёздан бемалол фойдалана олдилар. Режадаги 15 фоиз пахтани ўзлари тасарруф қилиб, иқтисодларини анча ўнглайдилар ва деҳқонлар турмуш даражасининг яхшиланишига кўмаклашадилар.

Аммо шароитни, имкониятлари бир хил бўла туриб бошқа кўп хўжаликлар имкониятларини бой бердилар. Чунки, улар йил бошиданоқ узоқни кўзлаб иш олиб бормадилар. Ўз фаолиятларида илғор тажрибаларга, янгича иш услубларига таянмадилар. Оқибатда, мана, бугунга келиб ўзлари ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолдилар. Деҳқонлар, қишлоқ аҳолининг бундан кейинги турмуш даражаси қандай бўлиши, уларнинг ижтимоий таъминоти қандай йўлга қўйилиши ҳақида аниқ тасаввурга ҳам эга эмаслар. Бу гап, айниқса, «Тошовул», Ҳамза номли, Улуғбек номли, «Йўлбошчи» сингари хўжаликларга тааллуқлидир.

Ҳар йили «Ўзбекистон 5 йиллиги» давлат хўжалиги йиғим-теримда намуна бўлиб келарди-ку! Бу хўжаликнинг тажриба хўжалиги эканлиги қаерда қолди?!

Сессияда туман саноати, қурилиш, капитал қурилиши соҳасида қилинган ишлар, ютуқлар билан бирга муаммолар, ва камчиликлар ҳақида ҳам айтиб ўтилди. Маданий-маиший, медицина хизмати, маорифни янада ривожлантиришга қаратилган таклифлар, мулоҳазалар ўртага ташланди.

Сессияда қабул қилинган қарорда асосий диққат-эътибор йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли сабоқ чиқариб, келгуси йилда бундай камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймасликка, ҳар бир соҳада самарадорликка, барқарорликка эришишга, бунинг учун эса инсон омилига эътиборни кучайтиришга қаратилди.

Сессия туман ҳокими фаолиятини қониқарли деб топди.

Сессия ишида вилоят ҳокимининг муовини **Б. Махситов** ва вилоят касаба уюшмаси кенгаши раисининг ўринбосари **Ю. А. Ҳайдуров** иштирок этдилар.

**Н. ИСАЕВ. О. АЛЬКО.**

## ФАОЛИЯТНИ ЖОНЛАНТИРИШ ЛОЗИМ

ХАЛҚ депутатлари Пискент район Кенгашининг навбатдаги сессияси одатдагидан бошқача руҳда ўтди. Район ҳокими, Ўзбекистон Жумҳурият халқ депутати **Абдусамат Носиров** ўзининг ҳисобот маърузасида ўтган давр мобайнида эришилган бир қатор ютуқларни алоҳида таъкидлаб, айни вақтда йўл қўйилган нуқсонларни ҳам барча йиғилганлар олдида рўй-рост очиб ташлади.

— Районимизда,— деди нотиқ.— Бошқарувнинг янги ҳокимлик усули амал қила бошлагандан буён бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, миллий қадриятларни тиклаш, халқ анъаналарини янада такомиллаштириш борасида ҳавас қилса арзийдиган кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг талаб ва истакларига қулоқ солиб иш юритишимиз натижасида аҳоли ўртасида ҳар қачонгидан ҳам яхши барқарорлик, ўзаро тотувлик юзага келди. Буни ҳозирги бозор шароитидаги иқтисодий қийин даврда ҳар нарсадан ҳам муҳим деб айтиш мумкин. Одамларнинг кўтаринки кайфиятларидан самарали фойдаланиб, уларнинг унумли меҳнат қилишига руҳлантира олган кўплаб хўжалик ва ташкилотларда ишлаб чиқариш суръати ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Эришилаётган муваффақиятлар салмоги, айниқса, ҳозирги йил якунланаётган кунларда янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ниҳоятда оғир келган бу йилги об-ҳаво шароитида ҳам райондаги Оҳунбобоев, «Қирққизобод», «Ўзбекистон мустақиллиги» ва Навоий номли жамоа хўжаликларининг деҳқонлари қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Бу хўжаликларда пахта йиғим-терими ишлари ҳам намунали ташкил этилиб, бу борадаги йиллик режалар ортиғи билан адо этилди. Уларнинг даромадлари ҳам юқори бўлиши кутилмоқда.

Лекин, масъулиятни ҳис қилмасдан имкониятлари бўла туриб ишни тўғри ташкил қила олмаган баъзи раҳбарлар бош бўлган хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш ва давлатга сотиш режалари барбод бўлди. Бунга мисол қилиб «Пискент» ва «Дўстлик» давлат ҳамда «Намуна», И. Ҳайдаров, Ҳ. Қодиров номли жамоа хўжаликларини келтириш мумкин.

— Мен бу ўринда,— деди нотиқ ўз нутқини давом эттириб,— хўжасизликни тоқат қилиб бўлмайдиган даражада авж олдириб юборган иккита хўжалик хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Булар «Пискент» давлат ва И. Ҳайдаров номли жамоа хўжаликларидир. Мазкур хўжаликларнинг бирида шу вақтга қадар йиллик режага нисбатан 1600 тонна, кикинчисида эса 405 тонна кам пахта тайёрланди. Ҳолбуки, иккала жамоада ҳам ер чизиб қолмаслик имкониятлари мавжуд эди. Айниқса, «Пискент» давлат хўжалигида (директори Б. Усмонов) йиғим-терим мавсумида чидаб бўлмас даражада бепарволик кўрсатилди. Одамларни пахтага чиқариш, теримчиларни моддий рағбатлантириб бориш уларга унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиб бериш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Жамоада 40километр масофада қувурлар орқали қишлоқларнинг аҳолиси учун етказиб бериш лозим. Мазкур юмушлар учун эса 120—130 миллион сўм маблағ керак бўлади. Умуман ҳозирги кунда Пискентдаги экологик аҳвол жумҳуриятимиз миқёсида, хусусан Президентимиз кўмаги билан ҳал этиладиган йирик ва жиддий муаммога айланган. Бу борада хусусан, атроф-муҳитни энг кўп заҳарлаётган Олмалиқ кон-металлургия комбинати раҳбарлари эътибор беришса яхши бўларди.

Нотиқ шунингдек, ҳозирги иқтисодий қийин даврда ҳам районда қурилиш ва ободончилик ишларини ривожлантириш чораларини кўрилаётганлигини, кичик ва хусусий корхоналар сонини кўпайтиришга жиддий эътибор қилинаётганлиги, фермерлик ҳаракатларининг йўналишлари хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Ҳисобот юзасидан музокарага чиққан «Дўстлик» давлат ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликларининг раҳбарлари **Ҳ. Нуров** ва **М. Авазовлар** Халқ-демократик партияси район Кенгашининг биринчи котиби **Ҳ. Акрамов**, район давлат назорат кенгашининг раиси **М. Эргашева**, уруш ва меҳнат фахрийлар кенгашининг раиси **М. Қосимов** ўртоқлар райондаги барча муаммоларни депутатлар билан биргаликда ҳал этиш лозимлигини уқтирдилар.

Сессияда район ҳокимиятининг 1992 йилдаги иш фаолияти қониқарли деб топилди.

Сессия ишида Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлар ва Президент сайлаш марказий сайлов комиссиясининг раиси **Қ. Аҳмедов** ҳамда вилоят ҳокимининг муовини **А. Абдувосиқовлар** иштирок этишди.

**И. ТОШЕВ, М. ТЮРИН.**

## ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР БОЙ БЕРИЛДИ?

«МУСТАҚИЛЛИКНИ амалий меҳнатимиз билан мустаҳкамлаймиз!». Бўка райони деҳқонлари йил бошида ана шундай аҳд қилган эдилар. Бугун шуни мамнуният билан айтиш керакки, улар халқ хўжалигининг аксарият соҳаларида хусусан, етакчи тармоқ пахтачиликда элга берган ваъдаларини бажардилар. Вилоятда биринчилардан бўлиб маррага етдилар.

Халқ депутатлари туман кенгаши сессиясида пахтакорларнинг ана шу қаҳрамонона меҳнатлари, қийин шароитдаги жасоратлари алоҳида таъкидланди; ҳозиргача йигирма битта хўжаликдан ўн тўрттаси режани бажарди. Улар режадан ортиқча пахта топширишни давом эттирмоқдалар. Биргина Ғ. Азаматов номли жамоа хўжалиги пландан ортиқча 310 тонна пахта топширди. 15 фоиз ва режадан ортиқча пахта ҳисобига қарийб 230 тонна тола олинади. Бундан жамоа 70 миллион сўм наф кўради.

Сессияда ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ана шу сингари хўжаликларнинг ибратли ишлари алоҳида таъкидланди. Ҳосилдорликни кескин оширган бригадалар, илғор механик-ҳайдовчилар, теримчиларнинг номлари санаб ўтилди.

Районда режанинг бажарилишига Ангрен шаҳри меҳнаткашлари катта ҳисса қўшганликлари ҳам таъкидлаб ўтилди.

Лекин, сессияда ўтган йилги қилинган ишлар ва навбатдаги вазифалар ҳақида маъруза қилган туман ҳокими **Қ. Элчибоев** ва музокарада қатнашган депутатлар ютуқлардан кўра хаяк хўжалиги тармоқлари, маданий-маиший ҳаётда йўл қўйилаётган камчиликлар, «Қашқадарё», «Хўжақўрғон», «Бўка» хўжаликларида режа 50 фоиздан ошди, холос.

Тумандаги 22 та хўжаликдан 18 тасида картошка режаси бажарилмай турибди.

Сессияда чорвачиликдаги аҳвол ҳам қониқарли эмаслиги, айниқса, Б. Умаров номли, Улуғбек номли, Т. Ражабов номли, «Хўжақўрғон», Жамбул номли хўжаликларда сут етиштириш ва давлатга сотиш ниҳоятда суст бораётганлиги таъкидланди.

Гўшт режасини бажариш имкониятларидан фойдаланиш керак. Бироқ тухум етиштириш ва давлатга сотишда туман охирги ўринларни эгаллаб турибди. Паррандачиликка эътиборни тубдан яхшилаш талаб этилади.

«Бўка» давлат хўжалиги директори **Қулмат Иброҳимов** хўжаликда эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаш билан бирга туман ташкилотлари олдига жиддий талабларни қўйди.

Сессияда сўзга чиққан 18 механизациялашган чўчма колонна бошлиғи **Усмонали Усаров** қурилишдаги муаммолар ва уни бартараф этиш учун нималарга эътибор бериш зарурлиги тўғрисидаги мулоҳазаларини айтди.

— Бозор иқтисоди биз қурувчиларни ҳам гоятда қийин аҳволга солиб қўйди, — деди у.— Қурилишлар тўхтаб қолмоқда. Сабаби аён. Илгариги алоқалар узилган. Қурилиш материаллари, маблағ йўқ. Эндиликда марказлаштирилган таъминотга умид боғлаб бўлмайди. Лекин, булар белгиланган қурилишларни тўхтатиб туриш учун сабаб бўлмаслиги керак. Эпини қилиш зарур. Ҳар бир хўжалик, ҳар бир ташкилот ишни хўжалик ҳисоби асосида ташкил этиб, қурилишни ўзи маблағ ва материаллар билан таъминлаш чораларини кўриши муҳимдир. Бошқа йўл йўқ.

Сессияда, шунингдек, туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари **Тоҳир Габидуллин**, туман бош шифокори **Аҳад Суннатиллаев** ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар, ўзлари етакчилик қилаётган жамоалардаги муаммолар, кечиктирмасдан ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирдилар.

Сессияда туман ҳокими фаолияти қониқарли деб топилди ва муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Қарорда пахтачиликдаги ютуқларни янада мустаҳкамлаш, режага қўшимча яна 1500 тонна пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятни тезроқ бажариш, шу билан бирга халқ хўжалигининг барча тармоқларини бир текис ривожлантириш, айниқса, чорвачиликдаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш, барча хўжаликларда қишга тайёргарликни кучайтиришга оид тадбирлар белгиланди.

Сессия ишида Ўзбекистон халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби **Ўктам Турғунов** қатнашди ва сўзга чиқди.

**Н. РИХСНЕВ, О. КРУПЕНЬЕ.**

---

**Ҳисоботларнинг боши газетамизнинг 17, 24 ноябрь сонларида босилган.**

ОЙНАЙ ЖАҲОНДА

# КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАЙ ЖАҲОНДА

## Сешанба, 1. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қўқон». Телефильм.
7.45 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 А. П. Чехов. «Илтимос». Теленовелла.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 3-серия.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларни излаймиз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Тановар» миллий рақс ансамбли ижросида «Нодира» спектакли.
20.00 Бутунжаҳон СПИДга қарши кураш куни.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат ҳабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ

18.30 Камер оркестрининг концерти.
19.10 «Устахона».
19.55 «Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳақида».
20.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».
5.55, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.

● «ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси (Франция). 1-серия.
10.20 Футбол шарҳи.
10.50 «Қизил гул». Мультфильм.
11.30 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал. 9-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.25 «Телеграмма». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.55 «Аёлларни асранг». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Ён дафтар».
15.45 Рус мусиқаси саҳифалари.
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.50 «Шумак манбалари». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Футбол шарҳи.
19.00 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 1-серия (Франция).
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Таваккал гуруҳи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.45 «Итоаткор шогирд». Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Талаб қилинган кино».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Асил ҳолича».
9.50 «Йўлнинг 20 йили». Ҳужжатли фильм.
10.45 «Параллеллар».
11.00 «Хушмуомала бўлайлик» Режиссёр Николай Акимов.
11.30 «Ишдан бўш пайтингизда».
11.45 Кундузги сеанс. «Профессор Доуэль васияти». Бадиий фильм.
13.20 «ТИНКО» Савдо уйи.
11.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.55 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съездининг очилиши.

* * *

15.45 «Телебиржа».
16.15 «Рост» студияси. «Сеҳрли чироқ ёнида».
16.45 Янгиликлар.
17.00 Трансросэфир. «Ҳамкиҳатликни танлаймиз».
17.45 «Ихтилоф бўлмайди».

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Могиканлар». Лев Додин.
23.10 «Хушмуомала бўлайлик». Режиссёр Николай Акимов.

## Чоршанба, 2. XII

2 ДЕКАБРЬ

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
7.55 «Аждаҳо ови». Бадиий фильм.
9.30 Турк тили.
10.00 «У «Гиря»ни севарди». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Кимёвий реакциянинг тезлиги. Катализ.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Телеойнома».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Деҳқон хўтикча». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Саноатимиз одимлари».
19.40 «Кино, кино, кино».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 2-серия.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ

18.30 Ўолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 Спринт.
19.40 «Эфирда бевосита мулоқот».
20.40 «Эсдалик учун дастхат».
21.40 «02» тўлқинида».
21.55 «Нур ва соя». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55 Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 2-серия.
10.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
11.00 «Ақлли кучукча Соня», «Комар Комарович ҳақида эртак», «Типратикан қандай қилиб терисини ўзгартирди!». Мультфильмлар.
11.30 «Россиядан мактублар». Телефильм премьераси (Вятка).
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.25 «Кўзингни юмгин». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси (Хитой).
13.55 «Аёлларни асранг». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.03 «Қизлар орасидаги сир».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Ҳудуд».
19.00 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 2-серия.
20.05 Театр учрашувлари.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Таваккал гуруҳи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
22.30 «Қора қути».
23.00 «М. Магомаев ҳузурида меҳмонда».
23.45 «Итоаткор шогирд». Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Талаб қилинган кино».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.20 Эълонлар.
8.55 «Асил ҳолича».
9.50 «Йўлнинг 20 йили». Ҳужжатли фильм.
10.25 «Параллеллар».
11.00 «Хушмуомала бўлайлик» Режиссёр Николай Акимов.
11.30 «Ишдан бўш пайтингизда».
11.45 Кундузги сеанс. «Профессор Доуэль васияти». Бадиий фильм.
13.20 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.35 Бизнес: янги номлар.
15.50 «Биринчи тайм».
16.05 «Бадабоки», Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.25 Янгиликлар.
16.40 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.25 Христианлар учун кўрсатув.
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Сатирикон» студияси.
22.55 Спорт кўрсатуви.
23.00 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезднинг иши ҳақида ҳисобот.

## Пайшанба, 3. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ортиқ Отажонов куйлайди». Фильм-концерт.
7.55 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия.
9.05 Араб тили.
9.35 Болалар учун. «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ғафур Ғулом ҳиссалари.
11.00 «Зоолог нигоҳи билан», «Есенсой соҳилидаги саҳароларда». Телефильмлар.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 1—2-сериялар.
18.30 «Жамоат ташкилотларида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Регистоним». Телефильм.
19.30 «Илҳом». Фарғона вилояти ижодкор ёшлари ҳақида.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Барҳаёт наволар». Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Муқаддима». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Бумеранг». Экологик кундалик.
19.40 «Шарқ лирикаси». Жомий.
20.00 «Пуяльс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55 Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
10.25 Г. Беседина куйлайди.
10.40 Мультфильмлар: «Ўйинчоқлар сири», «Рангли сут».
11.00 «Истеъдодлар ва мухлислар».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.25 «Кулол дастғоҳи». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 А. Шнитке. Қадимий услубда ёзилган сюита. «Виртуози Москви» камер-оркестри ижро этади.
17.20 «Меҳр-шафқат ҳуқуқи». Ногиронлар Халқаро кунига.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.05 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
20.05 Букер адабий мукофоти Россияда.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Таваккал гуруҳи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
22.30 А. Эйзен қадимий рус романсларини куйлайди.
22.50 «Максима».
23.15 И. Брамс. 3-симфония.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Труба» радиоси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Монстр». Ҳужжатли телесериал (Россия—АҚШ). 7-фильм — «Иосиф Сталиннинг шахсий ҳаёти».
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Омла даврасида».
10.00 «К-2» таништиради: «Абзац».
10.30 «Жентльмен-шоу».
11.00 «Нота бене» студияси. «Кутиш залы».
11.55 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 106 ва 107-сериялар.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.30 «Ноу-хау».
16.00 «Рост» студияси. «Айболит-92», 1-қисм.
16.30 Янгиликлар.
16.45 Трансросэфир. «Овропа—Осиё».
17.30 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортажлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 Санкт-Петербург балети. А. Дворжак. «Сўлғин барглар».
23.20 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезднинг иши ҳақида ҳисобот.
00.25 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

## Жума, 4. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
7.55 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 2-серия.
9.15 Инглиз тили.
9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.25 «Арвона—туркманчасига туя». Телефильм.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильмлар. 3—4-сериялар.
18.35 Болалар учун. «Ёрилтош».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўлмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Теленовелла.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ижод саҳифалари». Ҳабиб Саъдулла.
21.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.15 «Транссибирь экспресси». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КУРСАТАДИ

18.05 Мультфильм.
18.15 «Байкам, Эжем жана бизэ».
18.30 «Ата журт» телеканали.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата журт» телеканалининг давоми.
19.50 «Конституция — жашоо мийзамы».
20.50 «Токмак сталинити».
21.20 «Ата журт» (давоми).

● «ОРБИТА IV»

5.55 Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.00 Тула Давлат хорининг концерти.
10.20 Мультфильмлар; «Репетиция», «Ажойиб дори».
10.40 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.30 «Америка М. Таратута билан».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Дугонажоним менинг». Телевизион бадиий фильм.
13.35 «Норозилик билдириб...». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 Ф. Ваксман. Скрипка ва фортепиано учун ёзилган фантазия.
17.10 «Марказ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.20 «Америка М. Таратута билан».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Монсо водийси мурдалари». Бадиий фильм премьераси. «Хусусий детектив Нестор Бурманинг саргузаштлари» сериалидан (Франция).
22.55 И. Гайдн. Труба ва оркестр учун концерт.
«ВИД» таништиради:
23.10 «Сиёсий бюро».
23.40 «Музобоз».
01.00 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
01.15 «Юлдузли ёмғир». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 «Ишбилармон кишилар даври».
8.55 ХХ аср кадрда ва кадр ортида. «ХХ аср». Ҳужжатли фильм.
9.55 «Тилла шпора».
10.25 Россия қобусномаси. «Антон Чеховнинг ёзги таътиллари».
11.25 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 108-серия.
12.15 «Ишдан бўш пайтингизда».
12.30 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортажлар.
13.00 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.25 «Телебиржа».
15.55 «Рост» студияси. «Айболит-92». 2-қисм.
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Мен барибир ишонаман...».
17.10 «М-трест».
17.25 «Чашмалар».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Жума кунлари Уолт Дисней. «Чипс—ҳарбийлар ити» Бадиий фильм. 1-серия.

*

19.20—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «К-2» кинозали. «Бир бор бўлган сўзлаб». Бадиий фильм.

*

24.00—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

## Шанба, 5. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ой камалаги». Бадиий фильм.
9.25 «Ўзбекистон спорти».
10.25 А. Н. Островский. «Ҳар тўкинда бир айб», Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.25 «Оналар мактаби».
12.55 «Кино санъати усталари». Суйменқул Чокморов.
14.00 «Тадбиркорлар ҳузурида».
14.25 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
14.55 Тижорат канали. «Лахор» қўшма корхонаси.

* * *

18.00 «Бўзсувнинг кузги жилоларн». Телефильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Мультипанорама».
20.00 «Рақслар гулдастаси».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Манчжурия услуби». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КУРСАТАДИ

7.00—14.00

* * *

17.00—23.30

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» —кичкинтойларга».
9.25 «Бумеранг».
9.55 «Шанба кунги дастхат».
10.25 «Тиббиёт сиз учун».
11.05 «Технодром».
11.15 «Китобхона».
11.55 «Иш».
12.25 «Сиздан илтимос, жаноб Юдин...». Телефильм премьераси.
13.10 Мини футбол бўйича жаҳон чемпионати. Финал. Гонконгдан кўрсатилади.
13.20 «Сиёсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокида АҚШнинг «Танлаш эркинлиги» кўрсатувини таништиради. 3-кўрсатув.
14.50 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Марказий экспресс».
16.00 «Дракулито-вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
16.20 «Ҳайвонот оламида».
17.00 «АБВГД ЛТД» телесериали. 7-серия.
17.30 «Қизил квадрат».
18.10 «Бахтли тасодиф».
19.00 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Плюмбум ёки хавфли ўйин».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Катта сайил».
22.20 «Шанба—шанбада». Композитор О. Квашанинг ижодий кечаси.
23.30 Катталар учун мультфильмлар.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Парадиз-коктейль».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Михалич». В. М. Бобров таваллудининг 70 йиллигига.
9.30 «03» кўрсатуви.
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 «Ташвишли давр хроникаси». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар.

*

12.40—16.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

16.30 «Дораэмон». Мультфильм премьераси (Япония). 13-серия.
16.45 Чегарасиз футбол.
17.40 Мульти-пульти.
17.50 Спорт кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.

*

18.20—20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 «Шляпали аёл». Бадиий фильм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

*

22.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

## Якшанба, 6. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Муқимий лирикаси».
7.40 «Ўлмас мерос». Телефильм.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Менинг дадам капитан». Бадиий фильм.
9.45 «Ёш полвонлар мактаби».
10.05 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.05 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
11.35 «Зарипов чавандозлари». Цирк томошалари.
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
13.05 «Мурувват».
13.35 «Марду майдон». Бизнес-шоу. Самарқанд.
14.50 Тижорат канали. «Тонгларинг мусаффо бўлсин».

* * *

18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўлмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Теленовелла.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси олдидан.
21.40 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Наманган вилояти.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КУРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Оспурум»; «Тиғиз пайт»; бадиий фильм; мультфильм.

* * *

18.05 Мультфильм.
18.25 Тижорат канали. Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт (қирғиз тилида).
18.55 Катталар учун мультфильм.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 7-серия (рус тилида).
20.25 В. Шекспир. «Қирол Лир». М. Рисқулов номидаги Норин мусиқий драма театрининг спектакли.

● «ОРБИТА IV»

6.20, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 Қалмиқ Давлат «Ойрати» рақс ансамблининг концерти.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. Бельгиядан кўрсатилади.
9.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
10.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
10.30 «Тонг юлдузи».
11.20 «Сиз бунга қодирсиз».
12.00 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли бадиий телефильм премьераси.
12.25 «Хит-топ-шоу 50х50». «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
13.25 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.35 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
14.25 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 8-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
16.10 «Ҳунарли хор бўлмас».
16.15 «Ўолт Дисней таништиради...».
17.05 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндори Надежда Кригина куйлайди.
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Қойилмақом еттовлон». Якшанба кинокўрсатувлари
20.00 «Кумуш яримой». Ашгабат халқаро кинофестивали.
20.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Троцкийнинг ўлими». Бадиий фильм (Франция, Италия, Буюк Британия, 1971 й.).

*

22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Нима! Қаерда! Қачон!».
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Хит-топ-шоу 50х50».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Тақиқланган қўшиқлар». Ҳужжатли фильм.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
9.30 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
10.00 «Сиз яратган боғ».
10.30 «Қироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм 15-серия.
11.00 «Ати-бати...».
11.30 «Хоҳ ишонинг...».
12.00 «Ташвишли давр хроникаси». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 3 ва 4-сериялар.
13.20 Мульти-пульти.

*

13.40—17.10
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

17.10 Стас Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништиради: «Сариқ сувости кемаси» клуби.
17.50 Спорт кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Голливуд классик фильмлари фестивали.

*

20.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «Мерганлар буржи». Ҳужжатли фильм.
23.20 «Одимлар». Кўрсатувни профессор Д. Волкогонов олиб боради.

*

24.00—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 27 ноябрь сонидан олинди.

## ТУРКУМ МАРКАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг мустақиллик куни байрами муносабати билан қатор янги почта маркалари чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳузурида тузилган нашриёт маркази томонидан чоп этилган бу хил маркалар орасида «Нодира», «Хива», «Самарқанд» деб номланган нашрлар ажралиб туради.

Марказ навбатдаги нодир маркалардан яна бир нечта турини чиқаришни режалаштириб қўйди. Булар орасида, айниқса Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёсига бағишланган маркалар туркуми кўпчиликда қизиқиш уйғотади. Шунингдек, «Ўзбекистоннинг амалий санъати»га доир маркалар ҳам чиқариладиган бўлди. Бу хил маркалардан бирида XIX асрга мансуб бўлган Қўқон кумуш кўзачаси тасвири ўз аксини топади.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси фаол жамоатчи мухбир, шоир Турсун МУҲАММАДга умр йўлдоши

**Дилбархон ЮЛЧИ қизининг**

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти уюшма аъзоси, «Бошланғич таълим» журналининг масъул котиби Маҳмуд Иброҳимовга падари бузруквори

**Иброҳимжон ШЕРАЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-516. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.30. 31730 нусха босилади.